




Биринчи уйдирма

Тарихда Яхшилик билан Ёмонлик ўртасидаги энг буюк уруш “Улуг ватан уруши - совет халкининг немис-фашист босқинчиларига қарши уруши” деб аталади ва у 4 йил давом этган (1941 йил 22 июнида бошланиб, 1945 йил 9 майгача давом этган).

Аслида

Иккинчи жаҳон уруши – асосий қисми 1939 йилнинг 1 сентябридан, хусусан, Учинчи рейх Совет иттифоқи билан биргаликда Полшага қилган ҳужумидан бошланиб, 1945 йилнинг 2 сентябрига, яъни Япония империяси таслим бўлгунга қадар давом этган буюк уруш жамики жаҳон давлатлари томонидан айнан шундай номланади. Кўплаб мамлакатлар ҳудудида Иккинчи жаҳон уруши даврида кечган маҳаллий урушлар ўз номига эга. Бирок Совет Иттифоқидан ташқари, бирон ерда урушнинг МУАЙЯН КИСМИГА берилган ном, БУТУН урушга берилган ном ўрнига қўлланмаган. Совет раҳбариятини ушбу масалага оид ўз тарих фанини яратишга мажбур қилган сабаб – Совет Иттифоқининг Иккинчи жаҳон урушида Учинчи рейх билан биргаликда 1939 йилнинг 17 сентябридан эътиборан амалда иштирок этгани бўлди (тафсилотлар Иккинчи уйдирмада баён қилинади) (мухтасар қилиб айтганда, 1939 йил 17 сентябрь

куни Германия билан олдиндан тил бириктирган Совет иттифоки Полшага хужум килган. Биргаликда эришилган галаба кизиллар билан фашистлар томонидан Брестда харбий парад ўтказиш билан нишонланган)

Шунинг учун ҳам урушнинг айнан 1941 йили 22 июн куни – совет иттифоки Учинчи рейхга карши урушга мажбур бўлган кундан бошланганига ургу бериш совет иттифоки тарихчилари учун жуда принципиал масала эди. (Яъни, иккинчи жахон урушини фашистик Германия билан бир тарафда бошлаганини яшириш керак эди)

Совет иттифоки ва Учинчи рейх ўртасидаги Шаркий Европа курукликларида давом этган уруш йирик бўлса ҳам, бир тарафидан иттифокчиларнинг (кейинрок – антигитлерчилар коалицияси) фашистлар коалицияси ўртасидаги урушнинг бир эпизоди эди, яъни буюк уруш эпизодларнинг бири эди.

Иккинчи жахон урушида 61 та давлат катнашган (47 мамлакаъ Гитлерга карши коалицияда ва уларга карши мамлакатлар коалицияси тарафида иштирок этган). Уларнинг айримлари фаол харбий харакатларни олиб боришган бўлса, баъзилари ўз иттифокдошларига факат озик-овкат етказиб берарди, кўпчилиги эса урушда факат номинагина иштирок этдилар.

Гитлерга карши коалицияга куйидаги мамлакатлар кирдилар: СССР (1941-йилдан), АКШ (1941-йил, 7-декабрдан), Буюк Британия, Франция, Хитой, Полша, Австралия, Канада, Югославия, Нидерландия, Норвегия, Янги Зеландия, Жанубий Африка Иттифоки, Чехословакия, Белгия, Юнонистон, Эфиопия, Дания, Бразилия, Мексика, Мўгилистон, Луксембург, Непал, Панама, Аргентина, Чили, Куба, Перу, Гватемала, Колумбия, Коста Рика, Доминика Республикаси, Албания, Гондурас, Салвадор, Гаити, Парагвай, Эквадор, Сан Марино, Туркия, Уругвай, Венесуела, Ливан, Саудия Арабистони, Никарагуа, Либерия, Боливия. Уруш даврида фашистлар блокдан чиккан бир неча давлат кўшилди: Эрон (1941-йилдан), Ирок (1943-йилдан), Италия (1943-йилдан), Руминия (1944-йилдан), Болгария (1944-йилдан), Венгрия (1945-йили), Финландия (1945-йили).

Фашистик мамлакатлар коалицияси: Германия, Италия (1943-йилгача), Япония, Финландия (1944-йилгача), Болгария (1944-йилгача), Руминия (1944-йилгача), Венгрия (1945-йилгача), Словакия, Таиланд (Сиам), Ирок (1941-йилгача), Манчжоу-Го, Хорватия, Сербия. Босиб олинган мамлакатлар худудида фашист иттифокига кўшилган кўгирчок хукуматлар ташкил килинар эди: Виши Францияси, Сало республикаси, Албания, Черногория, Ички Мўгулистон, Бирма, Филлипинлар, Ветнам, Камбоджа, Лаос. Шунингдек, Германия ва Япония тарафида каршилиқ кўрсатаётган тарафнинг фукароларидан яратилган кўпгина коллаборацион кўшинлар жанг киларди: РОА, РОНА, ССнинг хорижий дивизиялари (рус, украин, эстон, латиш, дат, белгиялик, француз, албан), "Озод Хиндистон". Шунингдек, Ўк давлатлари куrolли кучлари таркибида расман нейтрал колаётган давлатларнинг ихтиёрий кучлари бор эди: Испания (Хаворанг дивизия), Швеция ва Португалия.

Иккинчи уйдирма

Совет мафкураси фашизмнинг принципиал душмани бўлган. Совет иттифоки эса, фашистик Германиянинг принципиал душмани эди. Фашистларнинг барча хамтавоклари – душманларимиз, коллаборационистлар эса - соткин ва хоинлардир.

Аслида

Совет мафкуриси 1938 йилларидан бошлаб фашизмнинг чала душманига айлана бошлади, 1941 йилдан бошлаб эса тўлқонли душманига айланди. Ўша даврнинг тарғибот-ташвиқотлари (1933-1939 йиллар) Германия тузуми ва ҳаётини тахминан АКШ, Франция ёки Буюк Британия ижтимоий тузумлари каби тавсиф қилади. Яъни, бу мамлакатда ишчи ва деҳқонларнинг халқ ҳокимиятидан тубдан фарқ қилувчи буржуазлар ҳукумронлик қилади. Ҳозир бу факт ҳайратланарли бўлиши мумкин. Лекин фашизм бошида ҳеч кимга ёмонлик бўлиб кўринмаган. Фашизмга қарши глобал курашнинг бор тарихи - бу секин аста кўзнинг очилиши, ва мамлакатлар, халқлар ва алоҳида гуруҳларнинг аста секин антифашизм сари ўтиши ҳолосдир. Хатто, фашизмга қарши курашувчи даврда турган Британия империяси ҳам узок вақт улар билан келишиб кетиш тактикаси бўйича ҳаракат қилишган.

1938 йили 30 сентябр куни Мюнхенда Британия империясининг бош вазири Невилл Чемберлен ва Франция бош вазири Эдуар Даладе Учинчи рейх рейхканцлери Адолф Гитлер ва Италия бош вазири Бенито Муссолини билан битим имзолайди. Битимга кўра, Германиянинг Чехословакиянинг бир қисмини босиб олиниши де-факто тан олинган. “Мюнхен келишуви” деб ном олган ушбу факт Британия ва Франция номига доғ туширган, яъни улар тўқнашув (конфликт) бўлмаслиги учун Гитлер билан келишиб кетишга ҳаракат қилишган.

Совет иттифокига қеладиган бўлсак, унинг Германия билан 1922 йилдан 1939 йилгача ҳамкорлиги жуда кенг микёсда эди. Германия икtidорига нацистлар қелгунига қадар СССР Германияда социалистик инқилоб уюштирмоқчи бўлган биринчи намзод мамлакатлардан бири эди. Инқилобдан сўнг, бу мамлакат ғарб капитализмига қарши курашда муҳим стратегик ҳамкор сифатида қўрилаётган эди. Совет иттифоки ва Германия ўртасидаги савдо-сотиқлар авжига чиққан, технологиялар билан алмашиб туришган, ҳарбий соҳаларда эса фаол равишда ҳамкорлик қилаётган эди. (1920-30 йилларда Совет иттифокида германиялик ҳарбийларни тайёрлаш ва ҳарбий технологиялар устида ишлаш учун камида учта йирик марказ фаолият олиб борган. Бу эса, Версал тинчлик сулҳини қўпол равишда бузиш эди). Умуман олганда, Европанинг катта қисмини босиб олган, сўнгра 1941 йили 22 июнда Совет иттифокининг ўзига ҳам бостириб қирган Вермахт темир машинасининг асослари Совет иттифокининг ўзида ташкил топган эди.

Учинчи рейх ва Совет иттифоки ўртасида ҳужум қилмаслик бўйича имзоланган битимнинг (Молотов-Рибентроп пакти) махфий протоколига мувофиқ иккинчи жаҳон уруши бошланганида Совет иттифоки (де-факто) Учинчи рейх тарафида бўлиб, 1939 йили 17 сентябр куни Полшага Германия билан бирга бостириб қиради. 1939 йили 22 сентябр куни Брестда Вермахт (Германия армияси) ва Қизил армиянинг демаркацион чизик бўйича имзоланган битимига бағишланган тантанали паради бўлиб ўтади.

Совет иттифокидагилар билишардики, Брест бу қаҳрамон-қала, бироқ қўпчилик, урушнинг илк кунларида қаҳрамонлик кўрсатган шаҳарлар нега “Қаҳрамон-шаҳарлар” унвонини олган, фақат Брестгина “Қаҳрамон-қала” унвонини олганини билавермаса керак. Жавоб оддий: Учинчи рейх Совет иттифокига бостириб қирганларида шаҳар аҳолиси ўзларини ҳеч қандай намаён қилмаган. Улар ўзларини бошқа мамлакат фуқаролари деб ҳис қилишган, чунки улар икки йил аввал Полша фуқаролари бўлишган эди. Совет иттифоки эса Германия билан Полшани бўлиб олишганида Брест шаҳри Совет иттифокига ўтган. Сўнг босқинчилар бу ҳодисани тантанали парад билан

нишонлашган. Фашистлар боскинига Брест шахри қошидаги эски калада жойлашган харбий гарнизонгина қаршилик қўрсатган. Табиийки, бу каланинг барчаси яқинда қўчиб келган совет қўшинларидан иборат эди. Шунинг учун ҳам шаҳар эмас, балки калагина қахрамон деган унвонини олган (айтмоқчи, бунгача, 1939 йили Брест каласини Гитлер қўшинларидан поляклар мудофаа қилган эди ва тан олиш керакки, улар калани муносиб равишда химоя қилишган). Қўпчилик, 1939 йил сентябр ойидаги фашистларнинг боскинига бошқа шаҳарларнинг қўрсатган қахрамона мудофааларини билаверишмаса керак (масалан, Львов шахри мудофааси).

Лвов мудофааси қонли бўлмаган бўлса ҳам, аммо фожиага тўла бўлган. Фашистлар 12 сентябр кунини шаҳар чеккасига қиришган (худди 1941 йили Москва чеккасигача етгани каби), сўнг уларни 10 кун давомида поляк харбийлари қувиб солишга ҳаракат қилишган, шу вақт бошқа тарафдан Кизил Армия бостириб келиб шаҳар гарнизонига таслим бўлиш талабини қўйган (Таслим бўлган ва асирга тушган поляк зобитларининг қўпи кейинчалик отиб ташланган).

1941 йили 22 июнда Учинчи Рейхнинг Совет иттифокига бостириб қириши билан Совет иттифоқи фашизмнинг душмани экани ёдларига тушади. Буёғини китобларимиздан яхши биламиз.

Учинчи уйдирма

Совет халқи бир тан ва бир жон бўлиб немис-фашист босқинчиларга қарши курашганлар. Қимдир Кизил Армия сафида, қимдир партизанлар қаторида, қимдир эса имкон даражасида уларга зарар қилиб турган. Соткин ва ҳоинларгина уларга қарши курашган эмас.

Аслида

Кейинчалик “совет халқи” деб аталадиган одамларнинг аксари ўзларини совет фуқаролари деб билишмагани аввалдан қайд қилиб ўтамыз.

Юқорида Брест каласи хақида зикр қилиб ўтдик, бироқ аксар одамларда бунга ўхшаш нарсаларнинг қанчалик улкан микёсда бўлганини билишмаса керак. 1939 йили Полшани босиб олиш натижасида Совет иттифоқи 200 квадрат километрдан ортиқ ҳудудга эга бўлди. Булар ичига Ғарбий Украина, Ғарбий Беларуссия, Шарқий Полша ва Жанубий-Ғарбий Литвалар қиради. Умумий ҳисоб бўйича бу ҳудудларда 13 миллионга яқин одам истиқомат қилар эди. Санокли ойлари ичида Совет иттифоқи ташкилотлари мазкур ҳудудларда “халқнинг эркин иродаси”ни шакллантиришди ва бу ҳудудларни совет республикаларига қўшиб юборишди. 1940 йил Кизил Армия урушсиз 50 минг квадрат километрга тенг Бессарабия ва Ғарбий Буковинани босиб олди: бу ҳудудларда 3 миллион 776 минг одам яшар эди (1949 йили 2 августда Молдавия ССР). 1940 йили Совет иттифоқи Эстония, Латвия ва Литванинг бир қисмини босиб олди. Сўнг 21-22 июл кунлари ўтказилган “сайловлар” натижасига қўра, мазкур мамлакатлар совет республикаларига айлантирилди. Ўша вақтларда Совет иттифоқи босиб олган ерлар аҳолиси ва ҳудуди тахминан Италия каби мамлакатга тенг эди.

Шунинг билан бирга совет ҳукумати ўрнатилган ҳудудларда оммавий репрессиялар (қатогон) йўлга қўйилди. Ишчи ва деҳқонларга бегона бўлган синфий унсурлардан тозаланиш ишлари кенг қўламда олиб борилди. Мазкур унсурлар ҳибсга олинар, турмаларга ташланар, Сибирга сургун қилинар эди. Қўп ҳолатларда одамлар отиб

ташланар эди. Буларда энг кўп овозо бўлганлари Балтика бўйи мамлакатларининг аҳолисининг депортация қилиш операциялари ҳисобланади (1940 йили амалга оширилган шундай операцияларнинг бири натижасида 50 000 одам депортация қилинган, 1949 йилги “Прибой” операциясида эса, 100 000 дан ошқин одам ўзлари яшаб турган жойларидан қувғин қилинган) ва полшалик ҳарбийлар оммавий равишда қатл қилинган (Катин ўрмонида, Старобелск ва Осташковск лагерларида, умумий ҳисоб бўйича 22 минг ҳарбий қотиб ташланган).

Бу ҳудудларда яшайдиган аҳоли Совет иттифоқини бирор душмандан ҳимоя қилишни хоҳламаганини, истамаганини тасаввур қилиш мушкул эмас. Ҳатто минтаканинг 1939 йилгача Совет Иттифоқи таркибида бўлиб қелган қисмида ҳам оддий қилиб айтганда “совет ҳокимиятини ҳамма ҳам қўллаб-қувватламаган”.

Белоруссия ва Украинада миллатчилик қайфиятлари қучли эди, чунки Совет иттифоқи таркибида (олдинлари Россия империяси таркибида) ҳар икки миллатга ўз маданиятларини унутиш эвазига рус маданиятига алмаштирилди. Бунинг устига, 1933 йили Украинадаги очарчилик ҳали ҳам ҳалқ хотирасида эди (Совет иттифоқининг нотўғри (ёки атайин) юритган сиёсати туфайли ўша даврларда Козогистон ва Украинада қаттиқ очарчилик бўлган. Жуда кўп аҳоли мазкур очарчилик туфайли қирилиб қетган). 1941 йили билан очарчилик йилларини атиги 8 йил ажратиб турар эди, яъни 1941 йили Украинанинг ҳамма балогат ёшидаги аҳолиси тарихларида бошларига тушган буюк фожиа, қулфатларни ўз қўзлари билан қўришган, ўз танлари-жонларида ҳис қилишган. Шунинг учун ҳам “немислар бўлса бўлсин, советлар бўлмасин – барибир бундан ёмон бўлмайди” деган сўзлар украиналиклар учун нафакат рухий маънода ўта ишонарли, балки (ҳозир ҳам қўриб турганимиздек) объектив ҳақиқат эди.

Улуг ватан урушининг бошланиши тушми ё ўнгдами ажратиб бўлмас ҳолатда эди.

Урушнинг илк ойларида Кизил армия аксар ҳолатда... ҳатто чекинган эмас, улар қум қаби сочилиб қетган, деб айтсак тўғри бўлади. Кейинлари фашистлар 1941 йил июн-июл ойлари “олдинда душман йўқ, орқада ҳам ҳеч нарса йўқ” (яъни, фашист қўшинларига жиддий қаршилиқлар бўлмагани учун улар Совет иттифоқи ҳудуди ичкарасига шиддат билан қириб боришди, орқада озик-овқат ҳамда қурол-яроғларни етказиб турувчи қисмлар эса, уларга етишга улгура олмас эди), деб эслашади. Ҳарбийлар урушишни исташмас, нима учун урушаётганларини, нима учун ўлишлари қераклигини билмас ҳамда оммавий тарзда хизматдан қочиш ҳолатлари кўп бўлган (дезертирство). Ўша қунларда қўрсатилган қам сонли қаҳрамонликлар билан бирга Кизил армия қисмлари, бўлинмаларининг оммавий тарзда хизматдан қочишларига ишониш қийин эди.

Константина Симоновнинг урушнинг энг биринчи юз қунида юз берган тартибсизликлари (хаос) акс этилган “Урушнинг 100 қуни” деб номланган қитоби Совет иттифоқида нашр қилинмаган (мазкур қитоб 1982 йили қаттиқ ўзгаришлар билан “Урушнинг ҳар қил қунлари” деган номи билан нашр қилинган). Қақат тўсувчи отрядлар ва жазо батальонлари пайдо бўлишлари билан қўшинларда тартиб ўрнатилди ва шундан кейингина қизил армия ижобий натижаларга эриша бошлади ва ҳоқазо.

Тўртинчи уйдирма

Уруш вақтида барча олмонлар фашист бўлган, ҳар бир ҳарбий эса ЭсЭсчи бўлган.

Аслида

Бу уруш билан боглик бўлган энг катта муаммо эмас (буни “кичик уйдирма” деса ҳам бўлади), бироқ адолат юзасидан германияликлар хакида бир икки нарса деб кўйишимиз ҳам керак. Улар бугунги тарихда козонган ўринларига лойик бўлмаса керак. Уларнинг кенг микёсли минг йиллик маданиятлари, буюк тарихи бўла туриб, биз факат “Хенде хох” ва “Гитлер капут”нигина биламиз. (Яъни, шунга ўргатилганмиз.)

"Иккинчи рейх"нинг мағлуб бўлганидан кейин катта ва бой маданиятга эга, харбий анъаналари кучли бўлган мамлакат ўзи билан улкан харобаларни колдирди. Аввалида вермахт хар кандай сиёсий туслардан холи бир ташкилот сифатида шаклланган эди: “хужумчи отрядлар” (“хужумчилар”, “жигарранг кўйлаклилар”) кабилар бунинг акси эди. “Узун пичоклар кечасидан” сўнг (бошка харбийлашган немис ташкилотлари) вермахт таркибига киришади, бироқ уларнинг у ерда таъсири катта бўлмаган. Вермахт рахбарияти 1939 йилгача сиёсатга аралашмаган. 1944 йил 20 июлда Гитлерга карши юкори лавозимдаги харбийлар уюштирган суикасддан сўнг Гитлер барча генаралларни партияга аъзо бўлишга мажбурлаган эди.

Ўшандаги махкама хукмига кўра, 20 июн куни битта фелдмаршал, 19та генерал, 26та полковник, 2та элчи, 7та дипломат, 1та вазир, 3та давлат котиби ва рейх криминал полициясининг шефи отиб ташланди. (Умумий хисоб билан 200 одам махкама карори билан, 5000 га яқини эса махкама хукмисиз отилган яна 7000га яқини хибсга олинган ва концлагерларга юборилган). Булар орасида адмирал Канарис (пўлат симга осиб ўлдирилган) ва Роммеллар (ўзини ўзи отиб ўлдиришга имкон берилган) бор.

Вермахтнинг оддий харбийлари орасида урушнинг сўнгигача натсистлар партиясига аъзо бўлганлар деярли учрамайди: улар кўпрок зобитлар орасида учраб турар эди ва уларнинг сони Вермахтда 5 фоиздан ошмаган. Харбий хизматга чакирилганлар ва кўнгиллилар СС кисмларига тушишга харакат килишар эди, чунки бу кисмлар кўп имтиёзларга эга эди. Бошка тарафдан эса, улар анча сиёсийлашган бўлиб, тинч ахоли орасида тозалаш ишлари, комиссарларни, яхудийларни катл килиш бўйича деярли барча буйрукларни сўзсиз бажарар эди ва шу каби топширикларни амалга оширар эдилар. Шундай бўлса ҳам СС баъзи холатларда партиянинг одамхўрликка руҳидаги буйрукларга каршилиқ кўрсатар эди.

Оддий немислар учун натсистларнинг иктидорга келиши кутилмаганда юз берди: худди Россия хукуматига камсонли ва унчалик таникли бўлмаган коммунистлар партияси келгани каби. Урушдаги мағлубиятдан сўнг немислар ўзларининг натсизмга оид ўтмишларидан поккланишига бўлган харакатлари (денацификация, миллатчиликка асосланган партияларнинг такикланиши ва хоказолар), шубхасиз тахсинга сазовордир. Бу ўз тарихларида шундай боскичлардан ўтган бошка миллатлар учун ҳам ўрнақдир. (Масалан Россия жуда кўп мамлакатларни босиб олган, босиб олинган худудлардаги ахолига, айникса уларнинг зиёлиларига нисбатан катоган сиёсатига узил-кесил муносабатини билдириш керак. Сўнгги вақтларда Россияда урчиб кетган миллатчилар, Совет иттифокига кайтишни кўмсаш каби иллатларга карши чора-тадбирларни кўриши керак бўлади).

Бешинчи уйдирма

Фашистик Германия устидан факат Совет иттифоки галаба козонган (Совет иттифоки ва унинг меросхўри хаммани шунга ишонтирмокчи бўляпти).

Аслида

Йирик мамлакатлар коалицияси ўртасида юз берган глобал харбий конфликтда бир мамлакатнинг бошка бир мамлакат устидан қозонган галабаси хакида гапириш нотўғридир. Бу нафакат истилохий маънода нотўғри, балки инсонийлик юзасидан ҳам хунук: “Галаба” деб номанган апелсинни кўп хисса кўшган ёки кам хисса кўшганларга бериш керак, деб ажратиш умуман одоб ва адолатдан эмас. Коалициянинг барча харбийлари жангчи биродарлардир ва уларнинг ҳар қайсининг хиссасининг кадри бебаходир. Харбийлар бир хил тарзда ҳалок бўлишган – ерда, денгизда ва ҳавода, ҳудди галаба хакида айтилган машҳур кўшиқларининг бирида айтимокчи, у “барча учун битта” бўлган.

Биринчи уйдирмада зикр қилганимиздек, урушнинг бошидан охиригача иштирок этган ягона мамлакат Британия империяси ҳисобланади. Бугун “Британия” дейилганида кўпчилик факат Британия ороллари тасаввур қилса керак. Бирок 1939 йили Британия инсоният тарихида мавжуд бўлган давлатларнинг энг каттаси бўлган. Ер қуррасининг чорагига тенг келадиган ҳудудга эга бўлиб, 480 миллион одамнинг уйи ҳам эди (Ер қуррасининг чорак аҳолиси). Британия империясининг таркибига Британиянинг ўзи, Ирландия, Австралия, Янги Зеландия, Янги Гвинея, Канада, Хиндистон (ҳозирги Хиндистон, Покистон, Бангладеш, Бирма ва Шри-Ланкалар), Гайана (Британия Гвианаси), Африка қитъасининг тўртдан бири ва Яқин Шарқ минтақасининг катта қисми (замонавий Исроил, Урдун, Ироқ, Кувайт, Оммон, Ямон ва Бирлашган Араб амирликлари) қирар эди. Британия Империясида ҳақиқатдан ҳам ҳеч қачон қуёш ботмас эди.

Мазкур мамлакатнинг иқтисодий ва харбий қудрати Учинчи рейхникидан анча устун эди. Бирок бу қучлар бутун дунё бўйлаб “сочилганлиги” учун ҳамда харбий ҳаракатлар асосан Европада бораётгани учун асосий қучлари Европада жойлашган Германия билан курашда британияликлар имконияти анча чекланган эди. Немисларнинг Полшадаги блиц-криги, Бенилюкс мамлакатлари ва Франциядаги урушларидан сўнг немислар ва инглизлар ўртасида узок давом этган позиция уруш авжига чиқди ва бу уруш “Атлантика учун кураш” деган ном олди. Бу кураш деярли 6 йил давом этди ва тахминан 100 000 одамнинг бошига етиб, Атлантика океанини харбий ҳаракатлар олиб борилаётган асосий майдонларининг бирига айлантirdи.

Харбий ҳаракатлар давом этган бошка муҳим майдонлар – Шимолий Африкада немислар билан инглизлар қуруқликда жанг қилишган, Хитойда (Жанубий-Шарқий Осиё) Япония империяси ўзи босиб олган кўп мамлакатлар билан жанг олиб борган, Тинч океанида Япония империяси ва АҚШ ўртасида 1941-1945 йили давом этган денгиз жанглари ва албатта “Шарқий фронт” – Шарқий Европа ҳудудларида давом этган харбий ҳаракатларда Учинчи рейх ва Совет иттифоқи ўртасида бўлиб ўтган жанглари.

Харбий ҳаракатларнинг сўнгги майдони микёси, талафотлари ва қурбонлар сони билан энг йириги эди. Иттифокчилар орасида бу жанглари ҳеч қандай истисносиз энг муҳими ҳам эди. Шунинг учун ҳам 1941 йили 22 июнидан бошлаб АҚШ Совет иттифоқини “ленд-лиз” - қурол-аслаҳа, материаллар ва қарақчи нарсаларни “қарз”га етказиб бериш дастурига қиритади. Ленд-лиз - АҚШ нинг иккинчи жаҳон урушидаги иттифокчиларига техника, қурол яроғ, стратегик қўшма-қўшма ва товарларни қарз эвазига таъминлашга қаратилган давлат дастури. Ҳудди шу шаклдаги дастур бўйича АҚШ Британияга ҳам қарақчи нарсаларни етказиб берган. Умумий ҳисоб билан Совет иттифоқига ленд-лиз орқали 11 миллиард долларга маҳсулотлар етказиб берган (ҳозирги пулнинг кадри билан

140 миллиард доллар бўлади), 17 ярим миллион тоннага тенг турли хил товарлар, курол-яроғлар, самалётлар, паровоз, автомобил, кемалар, машина ва ускуналар, озик-овкатлар, рангли ва кора металллар, кийим-кечак, материаллар, кимёвий реактивлар ва хоказолар. 330 минг литр спиртни ҳам алохида таъкидлаш зурур. Баъзи йўналишлар бўйича, Совет иттифокида ленд-лиз тарзида олинган товарлар совет саноатида умумий уруш даврида ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг икки ярим марта кўпини ташкил қилган: масалан ленд-лиз бўйича, 1941-1945 йилларда Совет иттифокида фойдаланган портлаш моддаларининг учдан бири, 40 фоиз мис ва 50 фоиздан кўп алюминий, кобальт, олова, жун, темир йўл рельслари ва хоказолар. Советлар саноати ишлаб чиқарган икки баробар кўп локомотивлар, Студебеккер шассисига жойлаштирилган “катюша”нинг аксар қисмлари, фронтга юборилган қарийб барча ғўшт консервалари Америка маҳсулоти эди. (Айтмоқчи, Совет иттифоқи олган ленд-лиз қарзларини бошқа мамлакатлардан фарқли равишда хали ҳам узмаган). “Биз буларсиз ҳам голиб бўлар эдик” ёки “Агар биз бўлмаганимизда улар мағлуб бўлишарди” каби гап-сўзлар ортиқчадир. Бирок кўп-гап сўзлар айнан шу маънодаги гап-сўзларга бориб такалаверганидан сўнг, бу ерда ўзимнинг шахсий фикримни билдириб ўтсам. Менинг фикри ожизимча, инглизларнинг Атлантика учун олти йиллик қаҳрамонларча олиб борган қурашисиз, юзминглаб совет фуқароларининг ҳаётларини сақлаб қолишга сабаб бўлган америкаликларнинг ленд-лиз воситасида тўрт йиллик пуллик ёрдамларисиз ҳамда яна жуда кўп бошқа халқларнинг катта-кичик ҳаракатлари, душманга қўрсатган қаршиликларисиз Совет иттифоқи Учинчи рейх устидан галаба қозониш имконияти деярли йўқ эди. Кўп эҳтимолга кўра, буларсиз Совет иттифоқи мағлуб бўлиши муқаррар эди. Такрор айтаман: бу менинг фикри ожизим. Ва, айтмоқчи, агар урушда Совет иттифоқи мағлуб бўлган тақдирда ҳам урушда Британия империясининг қудрати ва Америка Қўшма Штатларининг бойлиги ўз ишини қилиб, улар голиб бўлиши эҳтимоли юқори эди. Фашизм инсоният тариҳида бир бало, катта зулм эди ва унга қарши бир мамлакат эмас, балки кўпчилик бўлиб қурашилган ва Аллоҳ таоло галаба ато этган...

Интернет маълумотлари асосида
Абу Муслим тайёрлади